Inson manfaatlari — oliy qadriyat

# ADOLAT

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2022-YIL 14-YANVAR, JUMA № 2 (1370)

info@adolatgzt.uz
www.adolat.uz
adolatgz-95@mail.ru
t.me/Gazeta_Adolat
adolat24.uz/

электрон газетанинг QR кодини ўзингизга юклаб олинг!

## ЎЗБЕКИСТОН ВА РОССИЯ ПРЕЗИДЕНТЛАРИ ИККИ ТОМОНЛАМА ВА МИНТАҚА КУН ТАРТИБИДАГИ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР

**13 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.**

Суҳбатда давлат раҳбарлари Ўзбекистон — Россия стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларининг жорий ҳолати ва истиқболларини муҳокама қилдилар.

Олий даражада ўтган учрашувда эришилган келишувлар муваффақиятли амалга оширилаётгани мамнуният билан таъкидланди.

Турли даражалардаги делегацияларнинг ўзаро ташрифлари фаоллашган. 2021 йил якунларига кўра товар айирбошлаш ҳажми 33 фоизга ошган.

Ҳудудлараро йўналишда, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги муносабатлар фаол ривожланмоқда.

Томонлар Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллигига бағишланган туркум тадбирлар ўтказиш муҳим эканини қайд этдилар.

Яқинда Қозоғистонда рўй берган воқеалар нуқтаи назаридан Марказий Осиёдаги вазият юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Қозоғистон раҳбарияти томонидан ушбу мамлакатда тинчлик ва осойишталикни тиклаш, вазиятни барқарорлаштириш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар қўллаб-қувватланди.

Телефон орқали мулоқот ҳар доимгидек илиқ, самимий ва дўстона руҳда ўтди.

**ЎзА**

14 январь – Ватан ҳимоячилари куни



# ВАТАН ҲИМОЯСИ — ОЛИЙ ШАРАФ

**Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг мамлакат мустақиллигини ҳамда ҳудудий яхлитлигини, халқимизнинг тинч ҳаётини, мустақилликни мустаҳкамлаш йўлидаги меҳнати ва ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги улуғвор жасорати барчамиз учун фахр ва ифтихор туйғусини шакллантиради.**




14 январь – Ватан ҳимоячилар куни муносабати билан Ватан ҳимоячилари ҳамда юртимиз аҳолисини табриклаш, уларга байрамона кайфият улашиш мақсадида “Адолат” СДП ва Тошкент шаҳар Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ҳамкорлигида тадбир ташкил этилди. Тадбир пойтахтимиздаги аҳоли гавжум жойларида ташкил этилиб, хусусан, воҳадан Тошкент шаҳрига кириш қисми бўлган “Эркин” пости, Халқлар дўстлиги майдони ва бир қатор истироҳат боғларида бўлиб ўтди. Шунингдек, аҳоли хонадонларига бориб, ўсиб келаётган ёшларга, ҳарбий хизматчиларга ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларига байрам совғалари улашилди.

2

**Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси лойиҳаси муҳокамада**

## ИНСОН ҚАДРИ — БОШ ТАМОЙИЛ

Хабарингиз бор, айни кунларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармони лойиҳаси кенг жамоатчилик томонидан қизғин муҳокама қилинмоқда.

Мазкур жараёнда «Адолат» социал-демократик партияси фаоллари, депутатлар ҳамда республикамизнинг турли ҳудудларидан партия ҳайрихоҳлари таклиф, ташаббус ва фикр-мулоҳазалари билан фаол иштирок этмоқда.

2

**Диққат, янги рукн: Тарих яратган улуғ шахслар**



Одил ОЛИМЖОНОВ, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

## БУЮК ТЕМУР НЕГА ХОН УНВОНИНИ ОЛМАГАН?

Инсоният тарихида ўтган энг буюк шахслардан бири сифатида ҳақли равишда эътироф этиладиган Буюк Темур бобомиз нега ўзига “хон” унвонини олмаганлиги узоқ йиллардан бери олимлар ва жамоатчиликнинг турли қатламлари орасида мунозараларга сабаб бўлиб келади. Айрим темуршунос олим ва темурийлар ҳақида бадиий асарлар битган ёзувчиларда Темур Чингизхон авлодидан бўлмаганлиги учун хон бўлишга ҳаққи йўқ эди, деган фикрлар бор. Мутахассисларнинг бу борадаги қарашларига мисол сифатида 4 та китобдан иборат “Улуғ салтанат” тетралогиясини ёзган Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Алига мурожаат қиламиз: “Ўша пайтдаги таомилга кўра, давлатга Чингизхон асос солган, шунинг учун фақат унинг авлодидан бўлганларгина хон аталишга лойиқ кўрилларди”.

5

**Диққат, янги рукн: МАШҲУРЛАРНИНГ АЁЛЛАРИ**

## Буюк инсон ортидаги ФИДОЙИ АЁЛ

Ўзбек адабиёти ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган атоқли шоир, ҳақиқат куйчиси, жамоат арбоби, ўзбек шеъриятининг забардаст намояндаси, давлат мадҳияси муаллифи, Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ориповнинг рафиқаси, “Фидокорона хизматлари учун” ордени соҳибаси **Ҳанифа МУСТАФО** қизи билан суҳбатимиз шоирнинг кундалик ҳаёти, инсоний қиёфасига оид чизгилар билан боғлиқ бўлди.



6

# ИНСОН ҚАДРИ — БОШ ТАМОЙИЛ



Бунга биргина мисол сифатида жорий йилнинг 12-13 январь кунлари партия Сиёсий Кенгаши томонидан партия Марказий аппарати биносида айни лойиҳанинг муҳокамасига бағишлаб ташкил этилган конференцияларни келтириб ўтиш мумкин.

Мазкур конференцияларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати ҳамда ҳудудий кенгашлар ходимлари ва депутатлари, партиянинг «Ёш адолатчилар қаноти» ҳамда «Аёллар қаноти» кенгаши раислари, «Ёшлар парламенти» аъзолари, ОАВ вакиллари ҳамда партиянинг фаол хотин-қизлари ва ёшлари иштирок этди. Аҳамиятлиси, ушбу конференцияларнинг гибрид шаклда (ҳам офлайн, ҳам онлайн тарзда) ташкил этилгани, юртимизнинг турли ҳудудларида истиқомат қилувчи фуқароларимизга мазкур жараёнларда фаол қатнашиб, фикр-мулоҳаза ва таклифларини эркин ифода этиш имкониятини яратиб берди.

Айтиб ўтиш жоизки, партия томонидан мазкур тадбирларни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад мамлакатимизда «Инсон қадри учун» деган тамойил асосида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармони лойиҳасини партия фаоллари, кенг жамоатчилик ҳамда соҳа мутахассислари иштирокида таҳлил қилиш ва ўзаро муҳокама жараёнларини ўтказиш орқали инсон қадри учун муҳим бўлган адолат тамойилларини таъминлашга хизмат қилувчи таклифларни дастурда акс этишига эришишдан иборатдир.

Айни шу мақсадда жорий йилнинг 12 январь куни Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши Марказий аппаратининг Аёллар ва ёшларнинг сиёсий фаоллигини ошириш бошқармаси томонидан ўтказилган тадбир ҳам қизғин муҳокамаларга бой бўлди. Унда конференцияни очиб бериш учун партия Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари Абдукамол Раҳмонов сўзга чиқиб, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси ўтган 2017–2021 йиллардаги Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришга қаратилган Ҳаракатлар стратегиясининг узвий давоми бўлиб хизмат қилиши ҳамда бошланган демократик ислоҳотларимизни янада қатъий давом эттиришимизга замин яратиб, «Инсон қадри учун» деган устувор тамойилни тўла рўёбга чиқаришни назарда тутганлигини алоҳида таъкидлаб, тадбир иштирокчилари, қолаверса, юртимизнинг барча фуқароларини Ватанимизнинг келгусидаги тараққиёти, халқимиз фаровонлиги йўлида бевосита дахлдорликни чуқур ҳис этган ҳолда, лойиҳанинг муҳокама жараёнларида фаол иштирок этишга чақирди.

Шунингдек, тадбир давомида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати, «Адолат» СДП «Ёш адолатчилар» қаноти Республика Кенгаши раиси Муҳаммаджон Валиев иштирокчиларга бугун қизғин муҳокамалар марказида турган лойиҳанинг мамлакатимиз тараққиётини таъминлашдаги муҳим аҳамиятини изоҳлар экан, унда илгари сурилаётган қатор масалалар хусусида фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтди. Жумладан, партия «Ёш адолатчилар» қаноти Республика Кенгаши раиси томонидан лойиҳадан ўрин олган «Мамлакатимиздаги ислоҳотларни изчил давом эттиришда Олий Мажлис палаталари ва сиёсий партиялар ролини янада ошириш» масаласига алоҳида урғу берилиб, бу жараёнларда партия, қолаверса, унинг фаол ёшлари асосий иштирокчи ва ташаббускор бўлишлари лозимлиги айтиб ўтилди.





Бундан ташқари, тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти Йиғма ахборот-таҳлил бўлими бошлиғи Акбаршох Тешабоев томонидан халқ муҳокамасига қўйилган лойиҳанинг мазмун-моҳияти, унинг амалга ошириш механизмлари ҳамда кутилаётган ўзгаришлар ҳақида иштирокчиларга маълумот берилди.

13 январь куни партия Сиёсий Кенгаши Марказий аппаратининг Аёллар ва ёшларнинг сиёсий фаоллигини ошириш бошқармаси ҳамда Мафкуравий ишлар бошқармаси томонидан ташкиллаштирилган ҳар икки тадбирда ҳам асосий мавзу Тараққиёт стратегияси лойиҳасининг муҳокамаси бўлди.

Мазкур тадбирларда партия Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари Умиджон Сулаймонов сўзга чиқиб, айни даврда муҳокамалар марказидан ўрин олган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси лойиҳаси келгусида амалга оширилиши кўзда тутилган демократик ислоҳотларда Ватан тараққиёти ва жамият ривожини белгилаб берувчи муҳим омил бўлишини таъкидлаб, унда бугунги глобал ўзгаришлар, аҳоли турмуш тарзи, ҳаёт талаби ва қадриятлардан келиб чиққан ҳолда, еттита йўналиш белгилаб олинганлиги, шунингдек, лойиҳадаги ҳар бир вазифа ва мақсадлар якунланган 2021 йилда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайлов жараёнларида бевосита фуқароларимиз иштирокида муҳокамадан ўтказилиб, ҳаётий таклиф ва ташаббуслар билан тўлдирилганлиги, қолаверса, лойиҳада илгари сурилаётган кўплаб масалалар партиянинг устувор мақсад ва ғоялари, ташаббусларига ҳамоҳанглик касб этаётганлигини алоҳида эътироф этди.

Жумладан, **партия Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари томонидан партиянинг 2020-2024 йилларга мўлжалланган Сайловолди дастурида илгари сурилган ёшларнинг таълим-тарбиясини янада юксалтириш борасида мактаб таълим тизимини ислоҳ қилиш, синфларда ўқувчилар сонини оптималлаштириш, электрон кундалик тизимини жорий этиш ҳамда мактаб ўқувчиларининг сифатли овқатланишини йўлга қўйиш борасидаги масалалар, шунингдек, юртимиз ёшларини олий таълимга кенгроқ қамраб олиш мақсадида қабул квоталари ҳамда давлат гранти асосидаги қабулларни кенгайтириш, олий таълимда таълим олувчи ёшларни бевосита ишлаб чиқариш амалиётига боғлаш ҳамда жамиятнинг эҳтиёжманд қатламлари учун ажратилган квоталарни умумий квоталар сонидан ажратишга доир таклифлар Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси лойиҳасида белгиланган қатор ташаббусларга монанд эканлиги қайд этилди ҳамда мазкур “Инсон қадри учун” тамойили бош мақсад қилиб олинган, халқчил лойиҳани такомиллашуви ва татбиқ этилишида партия ва унинг кўп сонли электорати фаол иштирок этиши лозимлиги айтиб ўтилди.**

Шунингдек, конференцияда иштирок этган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати, «Адолат» СДП «Аёллар қаноти» Республика Кенгаши раиси Гулруҳ Агзамова иштирокчиларга муҳокама қилинаётган лойиҳанинг жамият ривожи, қолаверса, юртимизда хотин-қизлар ҳуқуқлари ва гендер тенгликни таъминлаш борасидаги аҳамиятини юқори баҳолаб, унда белгиланган қатор масалалар юзасидан бир қанча таклифларини билдириб ўтди. Жумладан, партия «Аёллар қаноти» Республика Кенгаши раисининг мамлакатимизда бола парвариши таътилида бўлган оналарга ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар давлат томонидан моддий ёрдам берилишини назарда тутувчи таклифи кўпчилик томонидан маъқулланди.

Айтиш жоизки, тадбирларда иштирок этган адолатчилар «Ҳаракатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари» тамойили асосида ишлаб чиқилган лойиҳанинг юртимизда кечаётган улкан ўзгаришлар ва янгиланишлар даврида инсон шаъни, қадр-қимматини улуғлашга, жамиятимизда адолат мезонларини қарор топтиришга, бир сўз билан айтганда, фуқароларимизнинг эркин ва фаровон турмушини таъминлашга хизмат қилишини эътироф этиб, ўзларининг давлат дастури лойиҳаси бўйича қатор таклифлари ва уларни амалга ошириш механизмлари ҳамда истиқболи юзасидан фикр билдиришди.

Хусусан, конференцияларда ZOOM платформаси орқали онлайн тарзда иштирок этган партиянинг Тошкент вилоят Кенгаши фаоллари томонидан мамлакатимиздаги умумтаълим мактабларида ўқитувчиларга тўланадиган устамалар тартиби тубдан қайта кўриб чиқилиши таклиф этилди.

**Тадбирлар якунида иштирокчилар билан партиянинг устувор мақсадлари ва дастурий ғояларига ҳамоҳанглик касб этаётган, Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси лойиҳасини, унда илгари сурилаётган адолат ғояларини тўлиқ қўллаб-қувватлаш ҳамда унинг такомиллашиб, ҳаётга татбиқ этилишида партия ва унинг кўп сонли электорати фаол, ташаббускор бўлиши кераклиги ҳақида келишиб олинди.**

**Маълумот ўрнида, айни кунларда ҳам партия тузилмасининг қуйи бўғинларида мазкур лойиҳага бағишланган муҳокама жараёнлари қизғин давом этаётганлигини қайд этиш лозим.**

**Муродилло МАҲМУДОВ,**
**«Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати мутахассиси**

# ЮРТ ПОСБОНЛАРИ УЛУҒЛАНДИ

**Ватан ҳимоячилари куни арафасида “Адолат” СДП Қашқадарё вилоят кенгаши томонидан Қарши муҳандислик иқтисодиёт институтида “Ким Ватанга содиқ бўлса, мендирман ўша” мавзусида тадбир ташкил этилди. Унда партия фаоллари, Қарши шаҳридаги маҳалла фуқаролар йиғинлари вакиллари, ўқитувчи, талабалар, уруш ва меҳнат фахрийлари, ёшлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.**

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил топганининг 30 йиллиги муносабати билан уюштирилган тадбирда партиянинг вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгаши депутати Руиддин Раупов маъруза қилди.

— Мамлакатимиз Қуролли Кучлари тизимида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Миллий армиямиз сафида хизмат қилиш ҳар бир ўғлоннинг орзусига айланди. Шу ўринда, юртимизда ҳарбийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизими яратилганини ҳам алоҳида таъкидлаш керак, — деди Р.Раупов. — Ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга барчамиз масъулмиз. Уларда Ватанга муҳаббат, садоқат туйғуларини янада кучайтириш зиммамиздаги муҳим вазифа ҳисобланади.

Тадбирда партия фахрийси Абдуқаҳҳор Аҳмедов, халқ депутатлари Қарши шаҳар Кенгаши депутати, “Ёш адолатчилар” қаноти етакчиси Ҳусниддин Бердимуродов, ҳуқуқшунос Дилрабо Чориева ва бошқалар миллий армиямизнинг куч-қудрати, аскарларнинг маҳорати хусусида сўз юритишди, замонавий ҳарбий шаҳарчалар барпо этилаётгани ва бу объектларда энг юксак талабларга ҳамда ҳарбий хизматчилар ва улар оилаларининг эҳтиёжларига жавоб берадиган қулай ижтимоий маиший шароит ва инфратузилмалар яратилаётганига ҳам тўхталиб ўтишди.

Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти профессори, партия фаоли Хайрулла Давланов тадбирда Президентимизнинг “Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони лойиҳасида илгари сурилган устувор йўналишлар, хусусан, мамлакатимизда сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий барқарорликни таъминлаш, қонун устуворлигига эришиш, барча давлатлар билан яхши алоқалар ўрнатиш тараққиётимизни таъминлашда беқиёс аҳамиятга эга эканлигини қайд этди. Нотиқ фармон лойиҳаси ҳақида фикр юритар экан, унинг янада халқчил бўлиши учун ўз таклифларини ҳам билдириб ўтди.

Тадбирда бадиий жамоаларнинг чиқишлари, талабаларнинг Ватанни мадҳ этувчи шеър ва қўшиқлари йиғилганларга байрамона кайфият бахш этди.

**Мадина АЛЛАБЕРДИЕВА,**
**Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти талабаси,**
**“Ёш адолатчилар” қаноти етакчиси**



# ВАТАН ҲИМОЯСИ — ОЛИЙ ШАРАФ

Юртимизда Ватан ҳимояси каби улуғвор ишга ўзини бағишлаган ҳарбийларимиз катта ҳурмат ва эъзоз билан қадрланиб, ҳар йили 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни умумхалқ байрами ва шодиёна билан ўтказилади. Бу каби эътибор ва эътироф масъулиятли касб эгаларининг Ватан олдидаги хизматлари юқори баҳоланишини намоён этиб, уларнинг келгусидаги фаолиятига куч-қувват ва шижоат бағишлайди.

14 январь мамлакатимизда фақат ҳарбийларимиз учун эмас, балки барча юртдошларимиз учун тинчлик ва осойишталик байрами ҳисобланади.

Партия томонидан ташкил этилган тадбирлар аҳоли, айниқса ёшлар томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди.

**Миршод ҚЎЛДОШЕВ,**
**“Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати Ижтимоий тармоқлар билан ишлаш бўлими бошлиғи**

Конференция

**Жорий йилнинг 8 январь куни «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши Марказий аппаратининг Аёллар ва ёшларнинг сиёсий фаоллигини ошириш бошқармаси томонидан «Аёлларни зўравонликдан ҳимоялашнинг ҳуқуқий асослари» мавзусида онлайн конференция ўтказилди.**



# АЁЛЛАРНИ ЗЎРАВОНЛИКДАН ҲИМОЯЛАШ ЙЎЛИДА МУҲИМ ҚАДАМ



Тадбирда «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳузуридаги Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика маркази директори ва ходимлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ҳамда партия фаоллари иштирок этди.

Аввал хабар берганимиздек, 2021 йилнинг 23 декабрь куни «Адолат» СДП билан Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳузуридаги Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика маркази ўртасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 майдаги «Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган хотин-қизларни реабилитация қилишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ҳамда 2021 йил 6 октябрдаги «Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган хотин-қизларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш борасидаги ишларни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 625-сонли қарорлари ижросини таъминлаш, хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрнини ошириш, соҳада юзага келаётган муаммоларини таҳлил қилиш ҳамда зўравонликнинг олдини олиш борасида ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш мақсадида меморандум имзоланиб, келгусида амалга оширилиши режалаштирилаётган қатор масалалар бўйича фаол ҳамкорлик қилиш тўғрисида келишиб олинган эди. Мазкур онлайн конференция ҳам ушбу ҳамкорликнинг мантиқий давоми бўлди.

Конференцияда маърузачилар мамлакатимизда аёлларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, гендер тенгликнинг қонуний асослари, аёлларга қилинаётган ғайриинсоний хатти-ҳаракатларнинг сабаблари ва оқибатлари ҳамда соҳа мутахассисларининг бу йўналишдаги таклифлари, кутилаётган ечимларга атрофлича тўхталиб ўтилди.

Унда партия Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари Абдукамол Раҳмонов томонидан бугунги кунда партия аъзоларининг умумий сони 510 мингдан ортиқни ташкил этаётгани ҳамда шундан 45 фоизини, яъни 230 минг нафарга яқинини айнан хотин-қизлар ташкил этиши, қолаверса, партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган депутатлари орасида 13 нафари (54 фоиз) ҳамда партиядан сайланган сенаторларнинг 2 нафари (28 фоиз) хотин-қизлар экани қайд этилиб, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайланган депутатларнинг 460 нафари (55 фоизи) ҳамда партия тизимида фаолият юритаётган ходимларнинг 125 нафарини хотин-қизлар ташкил этиши, аммо бугунги кунда жамиятимизда ҳар хил йўллар билан зўравонлик қурбони бўлаётган хотин-қизларимиз ҳам йўқ эмаслиги таъкидланди. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳузуридаги Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика маркази оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларга ҳуқуқий, психологик ёрдам кўрсатишга, уларни манзилли қўллаб-қувватлаш, тазйиқ ва зўравонликдан жабр кўрган, ўз жонига суиқасд қилган ёки ўз жонига қасд қилишга мойиллиги бўлган хотин-қизларга аноним тарзда шошилинч тиббий, педагогик ва бошқа ёрдам кўрсатишда, шунингдек, оилавий муаммолар ва турмушида зўрлик ҳолатларига дуч келган хотин-қизлар ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлашга хизмат қилаётганлиги, қолаверса, айни кунда партия билан икки томонлама имзоланган меморандум келгусида хотин-қизларни ҳимоялаш учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилиши айтиб ўтилди.

Шунингдек, тадбир давомида Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳузуридаги Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика маркази директори Муқаддам Расулова бугунги кунда аёлларни зўравонликдан ҳимоялашнинг ҳуқуқий асосларини таъминлаш борасида қилинаётган ишларга тўхталди.

Тадбир якунида келгусида амалга оширилиши режалаштирилаётган қатор масалалар бўйича фаол ҳамкорлик қилишга келишиб олинди.

**Муродилла МАҲМУДОВ,**
**«Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати мутахассиси**

Депутат минбари

# КОРОНАВИРУС ЯНГИ ШТАММИ ҚАНЧАЛИК ХАВФЛИ?



**Мавлуда АДҲАМЖОНОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракцияси аъзоси**

**Коронавирус пандемияси шуни кўрсатдики, бугунги глобал ҳамжамият улкан бир кема, унда Ўзбекистон ҳам бор. Кемада эса инсон ҳаётига чанг солувчи ҳолатлар юзага келган. Шунинг учун ҳушёрлик, огоҳлик бугун ҳар қачонгидан муҳим. Давлатимиз раҳбари томонидан ўз вақтида кўрилган чора-тадбирлар, аниқ ўйланган пухта режалар, халқимизнинг саломатлигини сақлаш йўлида сарфланган катта-катта маблағлар, шунингдек, тиббиёт ходимлариниг фидойилиги туфайли Ўзбекистон ушбу босқичлардан бошқа давлатларга қараганда камроқ талофатлар билан ўтиб олди. Афсуски, сўнгги кунларда юртимизда касалланишлар сони яна орта бошлади. Хусусан, мамлакатимизда «омикрон» штамми аниқланди.**

Мутахассисларнинг маълум қилишича, янги штаммда ҳид ва таъм билиш йўқолмайди, фақат иситма ва чарчоқ ҳолатлари кузатилади. Кўп беморларда юрак уриши тезлашган. Энг ташвишлиси, ушбу мутация, биринчи навбатда, ёшлар, шу жумладан, болаларда кўп аниқланмоқда.

Карантин билан боғлиқ профилактик чоралар бекор бўлгани йўқ. Аммо одамларимиз тиббий ниқоб тақиш, ижтимоий масофа сақлаш, антисептик воситалардан фойдаланиш каби оддий қоидаларга ҳам етарлича амал қилмай қўйди.

Янги штаммнинг юртимизга кириб келиши ва аҳоли ўртасида тарқалишининг олди олишда шундай профилактик чора-тадбирлар муҳим ҳисобланади. Шу сабабли барча юртдошларимиздан дунёдаги пандемик ҳолатдан тўғри хулоса чиқарган ҳолда карантин қоидаларига қатъий риоя қилишларини сўраб қоламиз.

# “ТЕЗ ЁРДАМ”ГА ЁРДАМ КЎРСАТИЛДИ

**Куни кеча ижтимоий тармоқларда тарқалган “Тез ёрдамга ёрдам керак” сарлавҳали видеомурожаатда Китоб тумани тез тиббий ёрдам бўлимига қарашли “Дамас” русумли, 70 892 ЕВА давлат рақамли автомашина шиналари яроқсизлиги, ён ва орқа эшикларда носозликлар мавжудлиги, айрим жиҳозлари эскирганлиги қайд этилиб, уни янги машинага алмаштиришда мутасаддилардан кўмак сўралган. Очиғи, ушбу мурожаат кўпчиликнинг эътиборига тушди. Шу туфайли “Адолат” СДП Китоб туман кенгаши ва мутасаддилар иштирокида мурожаатда келтирилган далиллар тўғри ёки нотўғрилигини текшириш мақсадида ўрганиш олиб борилди.**

Ҳақиқатан ҳам айни пайтда аҳолига хизмат қилаётган ушбу автомашина 2006 йилда ишлаб чиқарилган, ўтган 2021 йил давомида 2 228 000 сўмлик эҳтиёт қисмлар ва мойлаш материаллари билан таъминланган. Бироқ машинадан кўп йиллардан буён фойдаланиб келинаётганлиги сабабли, айрим эҳтиёт қисмлари эскирган, яроқсиз ҳолга келиб қолган. Биз ўрганишни бошлаган куниёқ юқоридаги носозликлар бартараф этилди, машинага 2 дона шина қўйилиб, ён эшиклар созланди, орқа эшикка янги қулф ўрнатилди.

Дарвоқе, ҳозиргача Қашқадарё вилояти учун ажратилган 10 та “Volkswagen Caddy” русумли замонавий тез тиббий ёрдам машинаси туманларга тарқатилган. Улардан биттаси Китоб туманига берилган.

Умуман олганда, видеомурожаатда келтирилган муаммолар ўз жойида ўрганиб чиқилди ва мутасаддилар билан ҳамкорликда бартараф этилди. Китобдаги тез ёрдам машинаси беморларга аввалгидек хизмат кўрсата бошлади.

**Нажмиддин ТЎРАЕВ,**
**“Адолат” СДП Китоб туман кенгаши раиси**



# КЎППАРТИЯВИЙЛИК ВА УНИНГ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ: КЕЧА ВА БУГУН




**Абдукамол РАХМОНОВ,**
**“Адолат” социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари**

**Истиқлолга эришганимизга ўттиз йилдан ошди. Мустақилликка эришишнинг ўзи бўлмади, албатта. “Биз бундан буён эскича яшолмаймиз ва бундай яшашга замоннинг ўзи йўл қўймайди”, деган даъват билан бошланган халқ ҳаракати юртимизни истиқлолга етаклади. Шу мақсадда, 1990 йилда Мустақиллик декларацияси қабул қилинди. Изчиллик билан амалга оширилган ҳаракатлар натижасида 1991 йил 31 август куни Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллиги эълон қилинди.**

1992 йил 8 декабрь куни жамият фаровонлигини бош мақсад қилиб олган, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида қурилган, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини олий қадрият даражасига кўтарган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси – мустақилликнинг ҳуқуқий асослари қабул қилинди.

Ана шундай улкан ҳуқуқий асослар негизида ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча соҳалари сингари давлат ҳокимияти бошқаруви соҳаси ҳам изчиллик билан босқичма-босқич ривожланиш йўлига ўтди. Мамлакатимиз ўттиз йил давомида дуч келган барча қийинчиликларни мардонавор енгиб ўтиб, Янги Ўзбекистон пойдеворига тамал тоши қўйди.

Бугун мамлакатимизнинг иқтисодий қудрати юксалиб, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари кенг қулоч ёйиб бораётгани, бу ишлар замирида инсонпарварлик ва эзгулик ғоялари қарор топгани барчамизни қувонтиради.

Айни вақтда дунёнинг турли минтақаларида содир бўлаётган хунрезликлар, қонли тўқнашувлар, сиёсий ва иқтисодий қарама-қаршиликлар, терроризм, радикализм, наркотрафикнинг тобора авжига чиқаётгани мамлакатимиздаги тинчлик ва барқарорлик ўз-ўзидан бўлмаётганлигини кўрсатиб турибди. Бундан хулоса шундан иборатки, барча саъй-ҳаракатлар халқ тинчлиги ва хотиржамлиги йўлига сафарбар қилинмоқда.

Бир сўз билан айтганда, мамлакат умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ ва демократик талаблар даражасида ривожланмоқда. Бу борада Шавкат Мирзиёевнинг *“Давримизнинг даъвати сифатида пайдо бўлган “Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак” деган теран маъноли сўзларни биз ҳамиша ёдимизда сақлашимиз керак”*, сингари сўзлари ҳаётимиз дастурига айланди. Пировардида, халқ осойишталиги таъминланмоқда, ҳар бир инсоннинг шахсий, иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий ҳуқуқлари рўёб топмоқда. Бошқарувда очиқлик ва ошкоралик, сўз эркинлигига эришилмоқда.

Шу ўринда, мамлакат тараққиётида сиёсий партияларнинг ўрни қай даражада, деган савол туғилади. Дарвоқе, мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ собиқ тузумнинг партиявий якка ҳокимлигига, ўша зўровон компартия тизимига барҳам берилиб, демократик қадриятларга асосланган кўппартиявийлик тизими вужудга келганлиги ва партияларaро соғлом рақобатга кенг ва тенг шароитлар яратиб берилганлиги ҳам фуқароларимизнинг сиёсий ҳуқуқларини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Демократикислоҳотларни янада чуқурлаштириш зарурати фуқароларнинг сиёсий фаоллигини сезиларли даражада оширишга, мамлакат ҳаётида сиёсий партияларнинг ўрни ва ролини кучайтиришга йўналтирилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги, «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги, «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги, «Нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги ва бошқа қонунларида давлат бошқарувида фуқаролик жамияти институтларининг, шу жумладан, сиёсий партияларнинг иштироки мустаҳкамланди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 34-моддасида “Ўзбекистон Республикаси фуқаролари касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар.

Сиёсий партияларда, жамоат бирлашмаларида, оммавий ҳаракатларда, шунингдек, ҳокимиятнинг вакиллик органларида озчиликни ташкил этувчи мухолифатчи шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қадр-қимматини ҳеч ким камситиши мумкин эмас”лиги белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги конституциявий қонуни ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида”ги қонуни эркин фуқаролик жамиятини шакллантиришда кўппартиявийликнинг муҳим шартларини белгилаб берганлиги билан ҳам янада аҳамиятлидир.

Ушбу қонунлар ўз мақсадига кўра давлат бошқарувини мазмунан янгилаш, бунда мавжуд демократик тамойилларни кенгроқ жорий этиш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтиришга омил бўлмоқда. Пировардида, сиёсий партиялар ролини оширишга, янгидан шакллантирилган ҳукуматнинг тутган йўли (курси) ва дастури ёки унинг айрим йўналишларига қўшилмайдиган сиёсий партиялар фракциялари, парламентдаги мухолифатнинг қонун билан кафолатланган ҳуқуқлари парламент кўпчилиги томонидан камситилиши учун йўл қўйилмаслигига, ўзини парламентдаги мухолифат деб эълон қилган сиёсий партия фракциясининг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишига, бир сўз билан айтганда, парламентда сиёсий партияларнинг фаоллигини оширишга, сиёсий тизимдаги барқарорликни таъминлашга хизмат қилмоқда.

Конституциявий қонунда мухолифатдаги партияларга қонунчилик ҳужжатлари муҳокамасида тўлиқ қатнашиш ва муқобил қонун лойиҳаларини тақдим этиш ҳуқуқларининг берилганлиги ҳам жуда муҳимдир.

Қонунчиликка бундай нормаларнинг киритилишидан кўзланган мақсад, аввало, парламентда сиёсий партиялар ва шу партиялар фракцияларининг парламaнт ишига яқиндан киришиши, масъулиятини ошириши, ташаббускорлигини кучайтириши, улар орқали сайловчиларнинг ҳукумат фаолияти устидан назоратини кенгайтириши, фуқароларнинг сиёсий фаоллигининг ўсиши учун хизмат қилишига қаратилган.

Кўппартиявийликка асос солувчи мамлакат қонунлари ўзбек давлатчилигининг тарихий анъаналарига, замонавий давлатчилик ва парламентаризм борасида тўпланган тажрибаларга, ривожланган давлатлар амалиётига тўлиқ мос келиши баробарида, ижтимоий-сиёсий ислоҳотларнинг мантиқий давоми, мамлакатнинг давлат-ҳуқуқий ва сиёсий тизимини босқичма-босқич тадрижий ривожлантиришнинг натижаси сифатида кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари ташланган муҳим қадам бўлди.

Кўппартиявийлик тизимининг тобора мустаҳкамланиши натижасида жамиятни демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнларининг жадал ривожланиши кузатилмоқда. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш, сиёсий партияларга уюшиш каби конституциявий ҳуқуқлари эмин-эркин таъминланмоқда.

Президентимиз таъкидлаганидек, <u>“Энг асосийси, жамият ҳаётининг барча соҳаларини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш жараёнлари изчил давом эттирилмоқда”.</u>

Мамлакатимиз қонунчилигига давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштиришга қаратилган янги-янги нормаларнинг мамлакат тараққиётига мос равишда киритиб борилиши кучли фуқаролик жамиятига асосланган демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлимиз демократик тамойилларга мувофиқлигидан далолат беради.

Айниқса, Конституциямизга навбатма-навбат киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар барқарор ривожланиб бораётган мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаштириш, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ислоҳотларни чуқурлаштириш, мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ўрнини янада кучайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Энг ривожланган мамлакатлар амалиётига мос келадиган халқаро тамойиллар Бош қомусимизда ўз ифодасини топгани сиёсий партиялар учун ҳам муҳим қадамдир. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирига нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш ҳақидаги, Бош вазирнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳар йили мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг энг муҳим масалалари юзасидан маърузалар тақдим этиши ҳақидаги, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловда энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги энг кўп депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партия томонидан таклиф этилиши ҳақидаги конституциявий меъёрлар сиёсий партияларнинг жамиятдаги ўрнини янада мустаҳкамлади.

Конституциямизга киритилган бу каби ўзгартиш ва қўшимчалар ҳаётга изчиллик билан татбиқ этилаётгани сиёсий партияларнинг янада фаоллашувига туртки бўлмоқда. Жумладан, Бош вазирнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳар йили мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг энг муҳим масалалари юзасидан маърузалар тақдим этиши ҳақидаги конституциявий нормалар ҳам киритилганлиги ва бу мунтазамлик тусини олгани сиёсий партияларнинг ўз электорати манфаатларини бунданда кенгроқ ифодалаш учун яна муҳим имконият саналади.

Сиёсий партиялар фракцияларининг Қонунчилик палатасидаги иштирокини кенгайтиришга қаратилган яна бир қанча қўшимча ваколатлар бор. Масалан, Қонунчилик палатасининг Кенгаши қонун лойиҳасини бир вақтнинг ўзида масъул қўмитага ва партия фракцияларига (депутатлар гуруҳларига) топшириши шарт, масъул қўмита фракцияларнинг фикрлари ва таклифларисиз қонун лойиҳасини Қонунчилик палатасида кўриб чиқиши учун қабул қилиш ёки қилмаслик масаласида ўз хулосасини чиқаришга ҳақли эмаслиги шулар жумласидандир.

Худди шундай, Давлат бюджети лойиҳасининг Қонунчилик палатасидаги муҳокамаси ҳам дастлабки тарздаёқ фракциялар иштирокида амалга оширилади. Бу нормалар ҳам сиёсий партиялар фракциялари фаолиятига татбиқ этилиб, ҳар бир қонун лойиҳаси ҳали умумий тарзда кўриб чиқилишидан аввал, яъни Қонунчилик палатаси муҳокамасига қабул қилиш масаласи дастлабки тарзда фракцияларнинг муҳокамасига киритилади. Сиёсий партияларнинг Қонунчилик палатасидаги иштироки шу тариқа ўзининг ижобий самарасини бермоқда, фракция аъзоларининг масъулиятини ҳам янада оширмоқда.

Хуллас, юртимизда кўппартиявийлик ва сиёсий хилма-хилликнинг амал қилиши учун зарур қонунчилик асосларини яратиш билан бир вақтда сиёсий ислоҳотлар ва жамиятни демократлаштиришни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифаларидан бири – янги сиёсий маданиятни шакллантириш, аҳоли кенг қатламлари ижтимоий фаоллигини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Пировардида, мамлакатда ҳақиқий кўппартиявийликнинг қарор топишига хизмат қилувчи қудратли механизм ишламоқда.

Хуллас, сайловга оид қонунчиликнинг такомиллаштирилиши ва Сайлов кодексининг қабул қилиниши, сайлов жараёнларида сиёсий партияларнинг иштирокига оид нормаларнинг янада демократлашуви, Президентликка, депутатликка номзодларнинг фақатгина сиёсий партиялар орқали кўрсатилиши каби илғор амалиёт демократик жараёнларнинг муҳим қисми бўлиб, эркинлик, адолатлилик, ошкоралик каби умумэътироф этилган тамойилларга мос бўлмоқда.

2021 йил фақатгина сиёсий партиялар томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатилганлиги 24 октябрь куни бўлиб ўтган президентлик сайловларида кўппартиявийликнинг нақадар муҳимлигини яна бир карра исботлаб берди. Ўзбекистон фуқаролари сиёсий партиялар томонидан кўрсатилган номзодлар орасидан муносиб номзодга овоз бериб, жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш каби конституциявий ҳуқуқларини юксак сиёсий маданият билан амалга оширишга муваффақ бўлди.

**Бизнинг навбатдаги вазифамиз, Президентимиз таъкидлаганидек, “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси учун мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор яратиш муҳим вазифага айланмоқда”. Дарҳақиқат, бу борада сиёсий партиялар томонидан ҳам қатор муҳим таклифлар киритилган. Биз, фуқаролик жамияти институтларининг фаол вакиллари сифатида Конституция ҳам қотиб қолмаган ҳолда, давлат ривожига мос равишда такомиллаштирилишини, бунда, албатта, инсон қадр-қимматига алоҳида эътибор қаратилишини қўллаб-қувватлаймиз.**

**Биз, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси вакиллари давлат раҳбарининг “давлат – жамият – инсон” тамойилини “инсон – жамият – давлат” деб ўзгартириш ҳақидаги таклифи бугунги инсонпарвар жамият учун нақадар асосли эканлигини маъқуллаймиз.**

## Жиноятга жазо муқаррар

**Асли андижонлик бўлган Дилбар Яминова (исм-шарифлари ўзгартирилган) 2020 йил сентябрь ойида Фарғона шаҳрининг Абдулла Қодирий кўчасида жойлашган кўп қаватли уйлардан хонадон сотиб олади. Қарасаки, уй бироз таъмирталаб. Шу боис бегонадан кўра, андижонлик – Марҳамат туманида туғилган, аммо ўша А.Қодирий кўчасидаги қўшни уйда яшовчи Мамасиддиқ Оқилбоевни уста сифатида уйига олиб келади.**

# ФИРИБГАР УСТА

## ХОНАДОН СОҲИБАСИНИ ЧУВ ТУШИРИБ КЕТДИ



Шундан сўнг Мамасиддиқ хонадон соҳибасининг талаби бўйича таъмирлаш ишларини бошлайди. Ана шундай кунларнинг бирида – 2020 йил октябрь ойининг ўрталарида Дилбар опага укаси Фурқат Қулматов қўнғироқ қилиб, ўғли Қосим Имомиддиновни Фарғона шаҳар ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармасига олиб кетишганини, қамаб қўйишганини айтади.

– Тинчликми, нега қамашади? – сўрайди Д.Яминова хавотирланиб.

– Ўзим ҳам ҳали тагига етиб улгурганимча йўқ, – дейди укаси.

Гап шундаки, ўша пайтда уста уларнинг суҳбатини эшитиб турганди. Шу боис у Қосимжоннинг оғир жиноят содир этганидан хабар топади. Уддабуронликни қарангки, М.Оқилбоев айни вазиятдан фойдаланиб қолишга киришади.

– Сизлар андижонликсизлар. Бу ерда кўпчиликни танимайсизлар. Менинг эса горотделда танишларим бор. Ўзим сизларга ёрдам бераман, – дея ўзини ҳожатбарор қилиб кўрсатади Мамасиддиқ.

“Чўкаётган одам хасга ёпишади” деганларидек, ўша кезда унинг сўзлари жуда маъқул келиб, ўзи нажоткордек кўринади аёлнинг кўзига.

– Жуда яхши бўларди, – деб илтижоли боқади Дилбар опа.

Ана шу суҳбатдан кейин М.Оқилбоев Д.Яминовани Фарғона шаҳар ИИО ФМБ биносига олиб боради. Қ.Имомиддиновнинг қилмишидан оз-моз хабар топгач, у ҳимоячи Р.Абдуллажоновни опа-укага таништиради. Сўнгра кечки пайт уйга қайтганларида Дилбар опани аврай бошлайди.

– Бу ишни судга чиқмасидан ёпди-ёпди қилиш керак. Харажатини берсанглар, мен терговчи билан гаплашиб чиқаман. У турманинг ўзиданоқ чиқариб беради жиянингизни.

– Қанақасига ахир, терговчи бўла туриб пора оладими? – деб сўрайди аёл ҳайратланиб.

– Эй, опа, нималар деяпсиз? Олмайдигани йўқ ҳозир. Қолаверса, мен ишончли одам билан гаплашаман.

– Қанча билан битади бу иш?

– Бир ярим минг берилса, масала аниқ ҳал бўлади, – дейди Мамасиддиқ дангалига.

– Майли, мен укам билан маслаҳатлашиб кўрай-чи.

Д.Яминова шундай деб уста йигитнинг гапларини укаси Фурқат Қулматовга етказади. Бироқ Фурқат пора беришга рози бўлмайди.

**– Укангиз калта ўйлаяпти. Эртага кеч бўлади, – дея яна ваҳима қилади М.Оқилбоев Ф.Қулматовнинг кўнмаганини эшитгач.**

**– Фурқатжонни қўяверинг, ўша пулни ўзим бераман.**

**Шундан кейин Дилбар Яминова ўзи жамғариб юрган пулларидан 1500 АҚШ долларини Мамасиддиққа беради.**

**– Ҳозироқ бориб, ишни ҳал қиламан. Худо хоҳласа, Қосимжонни эртагаёқ чиқартириб юборамиз, – дейди М.Оқилбоев пулни олиб чиқиб кетаркан.**

Лекин эртаси тугул, орадан бир неча кун ўтса-да, Қ.Имомиддинов озодликка чиқмайди. Аксинча, иш судга ошиб, унга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланади. Д.Яминова шундагина алданганини англаб етади. Аммо бу пайтда кеч бўлганди. Негаки, ҳар қанча қўнғироқ қилмасин, М.Оқилбоев гўшакни кўтармайди. Кўп ўтмай, телефонини бутунлай ўчиради. Натижада фирибгарни излашга тушади Дилбар опа. Охир-оқибат уни топади ҳам. Бироқ “ҳожатбарор” пул олганлиги тўғрисида тилхат ёзиб бериш билан чекланади холос – пулни қайтариб бермайди. Бинобарин, Д.Яминова бу хусусда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идорага мурожаат қилади. Натижада Мамасиддиқ Оқилбоевга нисбатан жиноят иши қўзғатилади.

Мазкур ишни кўриб чиққан жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар суди судланувчини Жиноят кодексининг 168-моддаси 1-қисми, 28,211-моддаси 1-қисми билан айбли деб топиб, озодликдан маҳрум қилиш жазосига маҳкум этди. Шунингдек, суд ҳукмида айбдордан пора предмети сифатида олинган 1500 АҚШ доллари давлат фойдасига ундирилиши ҳам белгиланди.

*Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан амалга оширилган таҳлиллар сўнгги пайтларда содир этилаётган жиноятларнинг аксарият қисми муқаддам судланган шахслар ҳиссасига тўғри келаётганини кўрсатмоқда. “Қаҳрамон”имиз М.Оқилбоев ҳам муқаддам талончилик, босқинчилик, безорилик ва бошқа жиноятларни содир этгани учун “кўп эмас”, беш маротаба судланган. Лекин шунда ҳам ўзига тегишли хулоса чиқариб олмаган. Юқоридаги фирибгарликка қўл урганда жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг 2020 йил 26 сентябрь кунги ҳукмига биноан тайинланган озодликни чеклаш жазосини ўтаётганди. Бинобарин, суд жазо тайинлашда унинг ўталмаган 3 йил 2 ой 4 кунлик озодликни чеклаш жазосини ҳам инобатга олди. Ажабмас, бу гал фирибгар устанинг сўқир кўзи очилса.*

**Жамшид ХЎЖАМБЕРДИЕВ,**
**жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг судьяси,**
**Хуршид СУЛТОНОВ,**
**журналист**

# БУЮК ТЕМУР НЕГА ХОН УНВОНИНИ ОЛМАГАН?



Бу “таомил” қаердан келиб чиққанлигини тарихчилар бундай тушунтиришади: Темурнинг саккизинчи аждоди Қачули баҳодир ва Чингизхоннинг учинчи аждоди Қабулхонлар ўртасида “Хонлик Қабулхон авлодининг қўлида, сипоҳсолорлик эса Қачули баҳодир болаларида бўлсин”, деган аҳднома бўлган. Балки шундай “аҳднома” бўлганлиги туфайли ўша пайтдаги одамларда фақат Чингизхон авлоди вакилларигина “хон” бўлиши керак, деган ақида туғилган бўлиши ҳам мумкин?!

Бундай “аҳднома” ҳақиқатда бўлмагандир десак, Темур ўзининг “Тузуклари”да бунинг бор эканлигини тан олган. Балки шу боис Темур ҳокимият тепасига келган илк даврида бу фикрга қўшилган ва шу сабаб ўзини “хон” деб эълон қилмаган ҳамда аслида ўзининг бекларидан бири бўлмиш, лекин Чингизхон сулоласидан бўлган Суюрғатмишхон, унинг вафотидан кейин ўғли Султон Маҳмудхонларни тахтга ўтказиб юрган бўлиши мумкин.

Лекин ҳокимият тепасига келгандан бир неча йил ўтиб, Евроосиё материгининг сал олдинроқ чингизийлар ҳукмронлик қилган катта ҳудудида Темур энг қудратли шахсга айланди. У ҳатто Олтин Ўрда тахтига ўзи хоҳлаган Тўхтамишни хон қилиб кўтариш даражасига етди. Бу улкан ҳудудда унга тенг келадиган ҳарбий куч қолмади. Ана шундай вазиятда агар Темур хоҳлаганда, у ўзини “Темурхон” деб эълон қилиши мумкин эди ва бунга ҳеч қанақа куч қаршилик қила олмасди. Нима, у хон бўлиш учун ўзи тахтга ўтқазган чингизий Тўхтамишхондан рухсат олиши керакмиди?

Қолаверса, бу орада, яъни 1360 йили чингизий Туғлуқ Темурхон билан Темурнинг Мовароуннаҳр ҳукмдори бўлиши тўғрисида аҳднома тузилган. Мазкур аҳднома ҳақида Темур бундай дейди: “Туғлуқ Темурхон Мовароуннаҳрни эса менга қолдирди ва бу хусусда ёрлиғу аҳднома ёзиб берди.... Мен бутун Мовароуннаҳр вилоятига, то Жайхун дарёсининг соҳилларигача чўзилган ерларга ҳукмрон бўлдим”.

Ана шу гаплардан ҳам кўриниб турибдики, Темур йигит ёшидан бошлаб ўз давлатини ташкил этиш ниятида бўлган. Унинг айнан шундай фикрда бўлганлиги “Темур тузуклари”да “мен бутун Мовароуннаҳр вилоятига, то Жайхун дарёсининг соҳилларигача чўзилган ерларга ҳукмрон бўлдим” (бу воқеа 1360 йилда, яъни Темурнинг 24 ёшида юз берган – таъкид муаллифники), деб ёзиши ва айнан Темур Мовароуннаҳрга вақтинча ҳукмронликка эришган 1360 йилдан бошлаб юз берган воқеаларни “Темур тузуклари”да “Давлат қуриш олдидан қилган иккинчи кенгашим”, “Ўз салтанатимни тузиш йўлида қилган учинчи кенгашим”, “Салтанатимнинг дастлабки даврларида қилган тўртинчи кенгашим” деб аташидан кўриниб турибди.

Эътибор қилинг, Темур қайсидир ҳукмдорга сипоҳсолор, яъни бош қўмондон бўлишни ўзига эп кўрмаяпти, балки “ҳукмрон бўлдим”, “давлат қуриш олдидан”, “ўз салтанатимни тузиш”, “салтанатимнинг” деган ибораларни ишлатяпти. Яъни, у ўз мустақил давлатини тузиш ва унга ўзи ҳукмрон бўлиш нияти борлигини очиқ-ойдин ва аниқ шаклда айтяпти.

Темур айнан ўзи мустақил ҳукмрон бўлишни хоҳлаганлиги “Тузуклар”дан олинган қуйидаги иқтибосда ҳам равшан кўриниб турибди: “...Ҳижрий 762 (милодий 1361) йили Туғлуқ Темурхон иккинчи марта Мовароуннаҳрга қўшин тортиб келиб, мени ўз ҳузурига чорлаб нома жўнатди. Мен (рози бўлиб), унинг истиқболига чиқдим ва у билан кўришдим. У орамиздаги аҳдни бузиб, Мовароуннаҳрни ўғли Илёс Хожага топширди, мени эса сипоҳсолор қилиб белгилади. Бу ишга ортиқча рўйхушлик билдирмаётганимни сезиб, бобом Қачули Баҳодир ва ўзининг бобоси Қабулхонларнинг аҳдномасини кўрсатди”.

Демак, у ҳолда бу икки авлод вакиллари ўртасида турли пайтларда тузилган иккита, лекин бир-бирига зид аҳдномалар бўлганми? Агар шундай бўлса, аҳдномаларнинг кейингиси биринчисини инкор этяпти. Демак, шу билан Темурнинг давлатнинг мустақил ҳукмдори бўлиш ниятига тўсқинлик қиладиган аввалги ҳужжат ўз аҳамиятини йўқотмайдими?

Темуршуносларимиз икки уруғ вакиллари ўртасида тузилган биринчи аҳднома ҳақида кўп ёзишади, лекин “Темур тузуклари”да баён этилган иккинчи аҳднома ҳақида камроқ эслашади...

Темур баъзан номига “султон” сўзини қўшиб ишлатган. Муҳаммад Али бу ҳақда шундай ёзади: “1391 йилда Тўхтамишхон билан жангга бораётиб, Дашти Қипчоқда улкан тошга хотира сатрларини ўйдириб ёздирганда, ўзини «Турон султони» деб атади”. Сипоҳсолорликка рози бўлган одам ўзини “султон” деб аташи мумкинми?

Ўзбекистон темуршунослик фанида худди аксиома даражасида ишлатиладиган “Хонлик Қабулхон авлодининг қўлида, сипоҳсолорлик эса Қачули баҳодир болаларида бўлсин”, деган аҳдноманинг тузилган ёки тузилмаганлиги ҳамда унинг мазмуни ҳақида менда қатор саволлар бор:

*1. Буюк Темурга гўё Туғлуқ Темурхон кўрсатган ана шу аҳднома матни борми? Бундай келишувнинг ўрта асрларда Евроосиё материгида яшаган халқлар ва давлатлар учун, бугун эса илмий ҳақиқатнинг тагига етиш учун аҳамияти ҳаддан ташқари катта. Шундай экан, бу аҳдномани тарихчилар, чингизий ҳамда темурий ҳукмдорлар тарихий китобларга киритишганми?*

*2. Чингизхонга қадар ҳам Евроосиё материгида йирик салтанат ва давлатлар мавжуд бўлган. Ва уларнинг кўпчилигини бизнинг боболаримиз барпо этишганликлари ҳам маълум. Қолаверса, Чингизхон Марказий Осиёда узоқ йиллардан бери мавжуд давлатни босиб олган. Шундай экан, гап Марказий Осиё ҳақида кетганда “давлатга Чингизхон асос солган”, деган фикр қанчалик тўғри?..*

*3. Темурнинг саккизинчи аждоди Қачули баҳодир ва Чингизхоннинг учинчи аждоди Қабулхонлар аҳднома тузишган экан, демак, улар бир замонда яшаган бўлишлари керак. Бу ҳақиқатда ҳам шундайми? Қабулхон 1101 йили туғилган. Қачули баҳодирнинг қачон туғилганлиги ҳақида аниқ маълумот йўқ. Шу боис бу масаланинг тагига етиш учун рақамларга мурожаат қилайлик. Агар ўша даврларда ҳам ўртача ҳар 20 йилда кейинги авлод дунёга келган, деб фараз қилсак, 1336 йилда туғилган Темурнинг саккизинчи аждоди тахминан 1176 йилларда дунё юзини кўрган бўлади. Уларнинг орасида 75 йиллик фарқ чиқяпти.*

*Ўша даврларда авлодлар орада 18 йиллик фарқ билан дунёга келган, деб ҳисобласак, Қачули баҳодир 1192 йили туғилган бўлиб, ўртадаги фарқ 91 йилга тўғри келади. Ҳар янги авлод 15 йилда пайдо бўлган, деб фараз қилганимизда Қачули баҳодир 1216 йилда туғилган бўлади ва саналар орасидаги фарқ 115 йилга тенг бўлади.*

*Бу оддий арифметик амаллардан Қачули баҳодир ва Қабулхонлар бир даврда яшамаган, деган жиддий хулоса келиб чиқяпти! Демак, улар ўртасида бундай аҳднома бўлиши мумкин эмаслиги аниқ кўриниб турибди... Ёки бу аҳднома мавжуд бўлса, уни бир замонда яшаган бошқа шахслар тузишганми?*

*4. Мазкур аҳднома тузилганлиги ҳақидаги маълумот бизга фақатгина битта манба, яъни “Темур тузуклари” орқали етиб келганми? Мабодо шундай бўлса, у ҳолда бу ахборот қанчалик ишончли ҳисобланади?*

*Мен инсоният тарихидаги буюк китоблардан бири бўлмиш “Темур тузуклари”га нисбатан ишончсизлик билдираётганим йўқ. Лекин “Темур тузуклари”нинг бизгача қандай етиб келганлигига нигоҳ ташласак, кўп нарса ойдинлашади. “Темур тузуклари”нинг фанда қайд этилган илк нусхаси эски ўзбек тилида ёзилганлиги аниқ. Бу ҳақида усмоний турк ҳукмдорларидан бири – Яман ҳокими Жаъфар Пошо (ҳукмронлик йиллари 1607–1612) нинг кутубхонасидаги туркий тилда битилган асарда ёзилган. Ўша “Темур тузуклари”нинг сўзбоши қисмида ўрта осиёлик Мир Абу Толиб Ҳусайний ал-Аризий ат-Турбатий деган олим 1610 йили Жаъфар Пошонинг топшириғи билан китобни эски ўзбек тилидан форс тилига таржима қилганлиги ҳам битилган. Бизгача ана шу форсий нусха тош босмалар, қўлёзмалар, кейинроқ замонавий нашрлар шаклида етиб келган.*

*Ҳусайний Турбатий “Темур тузуклари”нинг ана шу форсча таржимасини 1637 йили бобурий Шоҳ Жаҳонга (1628-1657) совға қилган. Шоҳ Жаҳон таржимада айрим ноаниқликлар ва камчиликлар мавжудлигини сезиб, унинг топшириғи билан йирик олим Муҳаммад Ашраф Бухорий китобни муҳим манбаларга солиштириб чиққан ва тегишли тузатишлар киритган. Мана шу йўл билан “Темур тузуклари”нинг янги варианти вужудга келади. Кейинчалик ундан кўплаб нусхалар кўчирилган.*

*Кўриниб турибдики, бугунги “Темур тузуклари” бизга етиб келгунга қадар кўп бора таҳрир қилинган... “Темур тузуклари”нинг бизгача қандай ўзгаришлар билан етиб келганлиги ҳақида Буюк Темур ҳақида жиддий тадқиқотлар олиб бораётган Ҳаким Сатторий ҳам ўтган йилнинг 25 ноябрида “Янги Ўзбекистон” газетасида чоп этилган “Давлатчиликнинг нодир низомномаси” мақоласида ёзди.*

*Шундай экан, Темур ва унинг аскарларидан зулм кўрган халқларнинг вакиллари бўлмиш ҳукмдорлар ёки тарихчилар бу китобга Темур шахсини пастга урувчи “у хон бўлишга ҳақли эмас” қабилидаги фикрларни киритиб юбормаганлигига ким кафолат бера олади?*

*5. Яна бир гап. Қаранг, “сипоҳсолор” туркий эмас, балки форсча сўз. У ўзбек тилида “қўшин бошловчи”, “бош қўмондон” маъноларини беради. Чингизхон ва Темурнинг аждодлари аҳднома тузиш пайтида “бош қўмондон” даражасини ифодалайдиган атамани форс тилидан олишлари мантиққа тўғри келадими? Темур боболари тузган аҳдномада мавжуд бўлган бу сўздан ҳукмронлик даврида фойдаланмаганми? Темур армиясида бош қўмондон “сипоҳсолор” эмас, “амир улумаро” деб аталмаганми?*

*6. Чингизхон тахминан 1155 йилда, бугунги Россия ва Мўғулистон чегарасидаги Делюн-Болдок (Делпун Бўлдан) водийсида, Онон (Ўнон) дарёси бўйидаги бир овулда туғилган. Унинг асли исми Темучин бўлиб, отаси Ясуғой баҳодир “бўритегин” (баъзи манбаларда “боржигин”, “бўрчиған”), онаси Ойлун эса “олхонут” уруғига мансуб эди.*

*Темур барлос қабиласидан. Темур барлос уруғидан чиққан биринчи бош қўмондон ва ҳукмдорми ёки бу уруғдан ундан олдин ҳам давлат раҳбарлари бўлганми? Қабулхон ўз даврида мўғул қабилаларининг муайян қисмини бирлаштириб, қабилалар иттифоқини тузганлиги эса маълум. Лекин бу иттифоқни том маънода давлат деб ҳисоблаш мумкинми? Негаки, Қабулхон вафот этгандан кейин у тузган қабилалар иттифоқи тезда тарқалиб кетган. Ана шундай унча мустаҳкам бўлмаган сиёсий шароитда яшаган Қабулхон барлос уруғи оқсоқоли Қачули баҳодир билан ким биринчи раҳбар бўлади, ким иккинчи бошлиқ бўлади, деган масалаларни муҳокама қилиши ва бу ҳақда аҳднома тузиши мантиққа тўғри келадими? Фараз қилайлик, қабила ёки уруғ шундай аҳднома тузган бўлса, у бажарилиши шарт бўлган юридик аҳамиятга эга бўладими?*

*7. Аҳдномада “хонлик Қабулхон авлодининг қўлида... бўлсин”, деб аниқ ёзилган бўлса, Қабулхон ўз авлодидан бўлмаган шахсни тахт вориси деб белгилаганлиги ҳам ўрганишни тақозо этадиган факт. Яъни, шундай аҳднома тузган шахс ўзида 7 та ўғил бўла туриб, нега бошқа авлод вакили бўлмиш тайжиут қабиласидан Амбағайхонни ворис қилиб тайинлади?*

*8. Яна бир муҳим савол туғилади: бўритегин, олхонут ва барлос уруғлари бир ҳудудда ёнма-ён яшаганми? Агар бу уруғлар бир-биридан узоқ жойларда яшаган бўлса, улар бундай аҳдномани қандай тузишган?*

*9. Ёки бўритегин, олхонут ва барлос уруғлари аҳолисининг сони жуда кўп ва шунақа кучли эдими? Улар Евроосиёдай улкан ҳудуднинг сиёсатини белгилаб бера оладиган даражада қудратли бўлишганми?*

Мазкур мақолада мен муаммо бўйича аниқ жавоблар эмас, кўпроқ саволлар қўйдим. Бунинг сабаби маълум, яъни масала ўта жиддий ва уни кўпчилик бўлиб ўрганиш тақозо этилади.

Бир пайтнинг ўзида мен Темур ўзини “хон” деб эълон қилмаганлигининг сабаблари жуда чуқур бўлган ва улар ҳам Темурнинг буюк шахслигидан далолат беради, деган фикрдаман.

Менинг фаразим бўйича, **Темур 1360 йилдаёқ ўзининг келгусида буюк ишлар қилиши ва улкан салтанат барпо этишига ишонган! Шу сабабга кўра, Темур онгли равишда ўзига “хон” унвонини олмаган! Чунки ўзини “хон” деб эълон қилганда Темур тарихда фақатгина Чингизхон сулоласининг давомчиси сифатида қолар эди, мустақил давлат асосчиси, деб ҳисобланмаслиги мумкин эди.**

Темур ҳақиқатда ҳам ўз даврида дунёнинг энг буюк ва қудратли салтанатини барпо этди. Унинг давлати фақатгина майдони ва аҳолисининг сони катталиги билангина дунёнинг биринчи давлатига айлангани йўқ, балки бу ҳудудда маданият, санъат, илм-фан, меъморчилик беқиёс даражада ривожлантирилди. Салтанат пойтахти Самарқанд эса ўша даврнинг энг гўзал ва маҳобатли шаҳрига айлантирилди.

Темур инсоният тарихидаги энг нодир ҳодисалардан бири бўлмиш “Шарқда иккинчи Ренессанс”нинг асосчиси бўлди. Президентимиз таъбири билан айтганда, *“Ўн бешинчи асрда Соҳибқирон Амир Темур бобомиз асос солган ва унинг муносиб авлодлари давом эттирган муҳташам салтанат юртимизда иккинчи Уйғониш, яъни иккинчи Ренессанс даврини бошлаб берди. Бу даврда Қозизода Румий, Мирзо Улуғбек, Ғиёсиддин Коший, Али Қушчи сингари беназир олимлар, Лутфий, Саккокий, Ҳофиз Хоразмий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Бобур Мирзо каби мумтоз шоир ва мутафаккирлар майдонга чиқди. Шарафиддин Али Яздий, Мирхонд, Хондамир каби тарихчилар, Маҳмуд Музаҳҳиб, Камолиддин Беҳзод сингари мусаввирлар, кўплаб ҳаттот ва созандалар, мусиқашунос ва меъморларнинг шуҳрати дунёга ёйилди”!*

Буюк давлат арбоби ва ислоҳотчи Темур асос солган Уйғониш даврининг таъсири инсоният маънавий оламида беш юз йилдан кўпроқ давр давом этди, темурийлар қолдирган улкан мерос эса жами инсониятнинг бебаҳо мулкига айланди. Хуллас, яна бир буюк бобомиз Алихонтўра Соғуний таъбири билан айтганда:

*Темурдек жаҳонда киши ўтмади,*
*Анингдек ўғилни она туғмади...*

## Янги йил ўйлари

**Илмни нурга қиёслашади. У қуёш нурларига ўхшатилади. Агар қуёш нурлари ҳаётда бутун олам, борлиқ, табиат, замин бағрига нур сочса, илм инсоният онгу шуурини, ақл-идрокини, тафаккурини ёритади. Қуёш бутун дунёга ёруғлик берса, илм инсон тафаккури орқали уни тараққиёт йўлига бошлайди. Бошқачароқ айтганда, қуёш нурлари бутун дунёда барча жонзотларнинг яшаши учун имконият яратиб берса, илм, тафаккур нури ҳаётнинг янада гўзал, янада юксак, улуғвор бўлишига хизмат қилади. Илм онг, тафаккурнинг юксалишига, онг, тафаккурнинг юксалиши жамиятнинг тараққиётига, жамиятнинг тараққиёти эса ҳаёт тамаддунига асос бўлади. Шу сабабли халқимиз ҳаётининг барча даврларида илм-фан ва унинг юксак ғоялари улуғланган, илм аҳллари, алломалар, маданият намояндалари ҳурмат-эҳтиром қилинган, яратувчиликлар, бунёдкорликларга йўл очиб берилган. Эндиликда ана шу жараён, яъни илм-фанга эътибор янада юксак даражага — давлат сиёсати даражасига кўтарилди.**

# ТАРАҚҚИЁТ ИЛМ-ФАНДАН БОШЛАНАДИ

Хўш, бу нималарда кўзга ташланади. Эътибор беринг, мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев ўзининг ҳар бир чиқишида республикамизни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан юксалтиришнинг асосий йўналишларидан бири сифатида илм-фан соҳасини ривожлантириш, юртимиздаги интеллектуал кучлардан тўла фойдаланиш, фан-техника янгиликларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш каби масалаларни кўрсатиб бермоқда. Илм-фан ривожисиз ҳаётда тараққиётга эришиб бўлмаслигига алоҳида эътибор қаратмоқда. Республикамиз раҳбари томонидан айтилган “Ўзбекистон бой қазилма ва табиий ресурсларга, қудратли иқтисодий ва инсоний салоҳиятга эга. Бироқ бизнинг энг катта бойлигимиз — бу халқимизнинг улкан интеллектуал ва маънавий салоҳиятидир. Бу салоҳиятни яратиш ва янада кўпайтиришда ҳурматли зиёлиларимиз — илм-фан ва техника намояндалари, биринчи навбатда, қадрли ва ҳурматли академикларимиз, маданият, адабиёт ва санъат, спорт соҳаларининг вакиллари бутун вужудини бериб, фидокорона меҳнат қилаётганлирини яхши биламиз ва юксак қадрлаймиз. Ана шу заҳматкаш инсонларнинг илмий ва ижодий изланишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар учун зарур шарт-шароитлар яратишни, биз ўзимизнинг бирламчи вазифамиз сифатида кўришимиз даркор”, деган фикрлар юртимиз истиқболини белгилашда асосий йўналиш бўлмоқда.

Эътибор беринг, мамлакатимизда яратилаётган янгиликларни, кашфиётларни ҳисоб-китоб қилиб борадиган Интеллектуал мулк агентлиги томонидан 2020 йилда 270 та ихтиро, 105 та фойдали моделлар, 105 та саноат намуналари, 1403 та товар белгилари, 52 та селекция ютуқлари, 2350 та электрон ҳисоблаш машиналари учун янги дастурлар яратилганлиги рўйхатга олинган. Бу бир йилда қўлга киритилган ютуқлар. Табиийки, 2021 йилда ушбу соҳалардаги ютуқлар миқдори янада ошган. Булардан англашилиб турибдики, юртимизда илм-фан ва бошқа соҳаларда яратувчилик ишлари давом этмоқда.

Албатта, илм-фан тараққиёти ҳам, уни амалиётга татбиқ этиш ҳам осон кечадиган жараён эмас. Айтайлик, академик ёки олим кўп йиллик фундаменталь тадқиқотлари натижасида янги ишланма ёки ихтиросини яратди, дейлик. Хўш, у бу ихтиросини ҳаётга татбиқ этиш учун қаерга олиб боради? Табиийки, бирор ишлаб чиқариш муассасаси ёки корхонаси билан ҳамкорлик ўрнатишга ҳаракат қилади. Корхона эса бу ихтирони, янги ишланмани қабул қилмаслиги мумкин. Сабаби аён, корхона, аввало, ўзига фойда келтирадиган мавжуд ишлаб чиқариш жараёнидан воз кечмайди. Қолаверса, келгусида фойда бериш-бермаслиги номаълум бўлган ихтиролар, янгиликларни бир неча йиллар тажрибадан ўтказиб, ҳаётга йўлланма бериш учун корхоналарда маблуғ етишмаслиги табиий. У ҳолда нима қилиш керак? Президентимиз бундан 2-3 йил аввал илм-фан соҳасида яратилган янги ишланмаларни, ихтироларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этувчи корхоналарга кенг имтиёзлар бериш таклифини ўртага ташлаган эди. Эндиликда юқори технологик илмий маҳсулотларни амалиётга жорий этиш учун янги замонавий тажриба ишлаб чиқариш, конструкторлик-технологик ташкилотлар ҳамда инновация маркази фаоллик кўрсатмоқда. Шу маънода эндиликда тарих саҳифасига айланган 2021 йил илмий ва ижтимоий ҳаётимизга инновацион ишланмалар, янгиликлар йили сифатида муҳрланиши шубҳасиз.

**Абдулҳай ЖАЛИЛОВ,**
**Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги**

«Адолат» СДП Қашқадарё вилоят кенгаши Қарши давлат университети миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими кафедраси доценти, халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгаши депутати, сенатор Абдурайим Иркаевга укаси

**Азамат ПАНЖИЕВ**нинг

вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

“Адолат” СДП Тошкент шаҳар кенгаши Чилонзор туман кенгаши раиси Мадаминбек Деҳқоновга отаси

**Роҳатали ДЕҲҚОНОВ**нинг

вафоти муносабати билан таъзия билдиради.



# Буюк инсон ортидаги фидойи аёл

1

***— Ҳанифа опа, сиз халқ суйган улуғ шоирнинг рафиқаси, эл эътиборидаги, барча ҳавас қиладиган бахтли ўзбек аёлисиз. Ана шундай толега мушарраф бўлиш тақдирингизга битилган кунларни хотирласангиз.***

— Қайнотам онамнинг тоғалари бўладилар. Биз бир қишлоқдан, бир маҳалладанмиз. Бир мактабда ўқиганмиз. Мен 1-синфга борганимда Абдулла ака юқори синфга, “Комсомол” номидаги бошқа мактабга кетганлар. Шунинг учун уларни кўп кўрмаганман.

1965 йилнинг май ойи эди. Абдулла ака Тошкентдан таътилга келган эканлар. Оилада кенжа ўғилни уйлантириш масаласи ҳал қилинаётган бир пайтда уларнинг кўчасидан ўтиб қолганман. Шунда Абдулла аканинг менга назари тушиб қолган эканми, хуллас, шоирнинг бир умрлик йўлдошига айландим. Мени шундай одам билан тақдиримни боғлагани учун худойимга ҳамду санолар айтаман.

***— Турмушга чиққанингизда жуда ёш бўлган эмансиз. Янги оилага келин бўлиб тушиб, унга меҳр беришингизда кимнинг ҳиссаси кўпроқ?***

— Онамнинг, албатта. Онам тоғаларини, уларнинг оиласини яхши кўрарди, ҳурмат қилар эди. Бунинг, албатта, биз болаларга таъсири катта бўлган. Онам 3 ёшли синглиси билан ўзи 5 ёшдалигида онасидан етим қолган ва тоғалари Ориф бобонинг қарамоғида улғайишган. Онам “Ўн қўли ўн ҳунар” меҳнаткаш аёл эди. Меҳнати билан ҳар қандай муаммога ечим топа оларди. Биз фарзандларидан ҳам шуни талаб қилар эди.

Энди мушоҳада этиб кўрсам, онамнинг ҳаёти меҳнат ва сабр деган ақидага асосланган экан.

***— Ижодкорнинг рафиқаси бўлиш осонмас. Ижод аҳли борки, инжиқ ва талабчан бўлади. Аёл фидойи бўлмаса, ўзлигидан кечмаса ижодкор билан яшаши мушкул. Бу фикрга қандай қарайсиз?***

— 1967 йилнинг 20 августида тўйимиз бўлди. Тўйда Абдулла аканинг дўсти Шукур Холмирзаев “Гамлет” монологини ўқиган, шунингдек, шоир Тўлқин ва Низом Комиловлар ҳам шеърхонлик қилишган. Ҳатто Абдулла ака ҳам тўйда Эркин Воҳидовнинг “Азгануш” ва ўзининг “Ёзажакман” шеърини ўқиганлар. Ўшанда мен биринчи марта Абдулла аканинг шеърини ўз овозида эшитганман. Аслида 8-синфдалигимдаёқ собиқ “Ленин учқуни” газетасида чиққан “Этгали” шеърини ёд олган эдим, ҳалиям ёдимда (Ҳанифа опа мулойим овоз ва равон тилда гўзал хотираси зарварақларидаги ғазални меҳр билан ўқий бошлайди):

*Тўлғониб гул очилар боғларни гулзор этгали,*
*Боғ сари дилдор чиқар ошиқларини зор этгали.*
*Боғ сари чиқмас эди чиқди бу кун у қасд ила,*
*Йўлида муштоқларини ё йўғу ё бор этгали.*
*Ногоҳоний саҳни боғдан ҳайқириб чиқди Ҳофиз,*
*Ул деди: “Ёйди пари, кокилларин дор этгали”.*
*Ёлвориб гуллар деди: “Кирма бу боққа, эй йигит,*
*Бунга кирганлар кирурлар, сочини қор этгали.”*
*Не ажаб, мен учун ҳам майдон топилса деб эдим,*
*Ўзга бир дилдор билан арузда бозор этгали.*

Тўйдаёқ сўзга чиққанларнинг гапларидан, менга қилган ўгитларидан оддий йигит билан турмуш қурмаётганимни, умр йўлдошим жуда нозик ва эътиборталаб касб эгаси эканини, бу менинг зиммамга катта масъулият юклашини англаганман.

Абдулла ака тўйдан кейин: “Менга бир гап камлик қилади, икки гап кўплик қилади. Бир яримта гапни топишга ҳаракат қилгин”, деганлар. Шу бир оғиз гапидан мен уларнинг нақадар талабчан ва инжиқ эканлигини англаганман. Айтишим мумкинки, бир умр ана шу бир ярим гапни топишга ҳаракат қилдим.

Ҳақиқатан ҳам у киши жуда талабчан эдилар: сўз танлашда, кийинишда, таомланишда...

Шеър ёзсалар, бир шеърни 10-20 марталаб қайта ишлашдан, ўзгартиришдан эринмасдилар, такрор-такрор ўқиб ва ўқитиб кўрардилар. Бирон сатрида тутилиш бўлса. албатта, шу сўзни қайта ишлардилар. Ижод борасида улар учун кеча ва кундузнинг фарқи йўқ эди.

Уларнинг хоббилари кийим борасида бўйинбоғ, таом жабҳасида асал йиғишни яхши кўрардилар. Бир гал Москвада, касалхонада даволанганлар. Касалхонадан чиқадиган куни бир шогирди устозини хурсанд қилмоқчи бўлиб, дўкондан янги бўйинбоғ олиб борган. Абдулла ака эса токи ўзининг бўйинбоғини олиб келмагунича касалхонадан чиқмай ўтираверганлар.

Таом масаласида ҳам жуда таъби нозик эди. Уйимизда деярли ҳар доим меҳмон бўларди. Хонадонимизда миллийликка жуда эътиборли эдилар. Нонуштага ширгуруч ейишни, кечки овқатга чучвара ва ошни яхши кўрардилар.



***— Устозга бунчалик талабчанлик кимдан ўтган, деб ўйлайсиз?***

— Қайнонам Турдихол момо раҳматли жуда кибор аёл бўлганлар. Таъби нозик, халқ тилида айтганда, оқсуяклардан бўлган. Бу характер менинг фарзандларимга ҳам ўтган.

***— Умр йўлдошингизнинг характеридан ранжиган пайтларингиз ҳам бўлганми?***

— Йўқ, ҳеч қачон оғринмаганман. Аксинча, хатоларни ўзимдан излашга, уни такрорламасликка ҳаракат қилар эдим. Нимаики хизмат қилган ва ҳурмат кўрсатган бўлсам, барчасини сидқидилдан, чин юракдан қилганман. Чунки ўзим шеъриятни, адабиётни яхши кўрар эдим. Адабиёт оламида яшаш менга завқ бағишлар, 6 нафар боламнинг тарбиясидан ортиб, Абдулла аканинг шеърларини кўчириб беришга, такрор-такрор ўқишга вақт топардим. Фарзандларимнинг ҳар бири отасининг яқин кўмакчиси эди. Янги ёзилган шеърни машинкада ёки компьютерда отаси айтганидек, қайта-қайта кўчиришдан чарчашмас эди. Бугунги кунда ҳам отасининг шеърларини мухлисларига етказишда тиним билишмайди.

***— Абдулла Орипов ижодига ҳукуматимиз ҳамиша катта эътибор қаратиб келган. Ўтган йили 80 йиллик юбилейи кўтаринки руҳда ўтди, китоблари нашр этилаяпти, устоз номидаги ижод мактабида истеъдодли ёшлар таҳсил олишаяпти... Мухлисларининг саноғига етиб бўлмайди...***

— Тўғри, Абдулла Орипов шеърияти бугун расманасига қадр топди. Бундан шукронадаман. Аммо бир нарсага хафа бўламан. Шоир ижодига бағишланган тадбирларда баъзи ёшларнинг унинг шеърларини бузиб ўқиганини эшитиб қоламан. Ўқувчи ва ўқитувчиларнинг эътиборсизлигидан дилим оғрийди. Менга бу шеърларнинг ҳар бир сатри ёд бўлиб кетган. Яхшиям эшитмаяптилар дейман, эшитганларида чидай олмасдилар, қаттиқ ранжир эдилар. Оҳанг бузилса, индамасликлари мумкин эди, аммо сўз бузиб ўқилса, бунга бардош беролмасдилар.

***— Абдулла Орипов ўзбек шеъриятини юксак чўққига чиқара олган, ўзининг бетакрор мисралари билан кексаю ёшнинг қалбидан жой олган шоир. Унинг қалбини кўпроқ нималар жунбушга соларди?***

— Уларни нималар тўлқинлантирмас эди, денг. Ҳеч қачон маълум вақтда ижод қилмаганлар. Шеъриятига разм солсангиз, уларнинг мурожаат қилмаган мавзуси қолдимикан, деб ўйлайсиз. Ҳамиша фикру хаёллари шеър билан боғлиқ бўларди. Биз оилада бунга кўниккан эдик.

***— Абдулла Ориповнинг фарзанд тарбиясига, болаларига муносабати қандай эди? Ота сифатида, умр йўлдоши сифатида қандай инсон эди?***

— Оилада жуда қаттиққўл инсон эдилар. Ҳеч нарсани назаридан қочирмасдилар. Болаларнинг гапиришига, сўзларни тўғри талаффуз этишига эътибор берардилар. Ўзбек тилига рус тилини аралаштириб гапирганни ёмон кўрар, бир тилга иккинчи тилни аралаштирма, ҳар бир тилнинг софлигини сақлаш керак, дердилар.

Фарзандларимизга касб танлашда ҳам Абдулла аканинг гапи менга дастуриламал бўлди. Катта қизим Шоирахон шифокор бўлади, қариганимда мени даволайди деди, айтганидай бўлди. Илҳомжонни адабиёт майдонига кирса мендан зўр бўлиб кирсин, бўлмаса кирмагани маъқул, деганлари учун уни иқтисод соҳасига йўналтирганмиз. Аммо, барибир, ҳамма фарзандларимнинг адабиётга меҳри бўлакча, адабиётни чуқур билишади.



Абдулла аканинг энг ёмон кўрган нарсаси ёлғонни кечиролмас, самимийликни қадрлар эдилар. Қаттиққўл, шу билан бирга, меҳрибон умр йўлдош эдилар.

Мен энг кичкина қизимни ҳам боғчага берганимдан кейин уларнинг хоҳишлари билан мактабга ишга кирдим ва 16 йил ишладим. Бирор марта ишга боришимга қаршилик қилмаганлар. Зарур ҳолатлардагина мактабга бориб, рухсат олиб мени олиб кетардилар.

***— Устоз Абдулла Орипов Аллоҳ назари тушган ижодкор эди. Унинг асарлари ўзбек адабиёти учун катта маънавий хазинадир. Шундай бахтиёр, эл севган шоирнинг ҳам армони бўлганми?***

— *О, йиллар армони, йиллар армони,*
*Армон кўрмадим ҳеч сиздан буюкроқ.*
*Инсонга тобемас замон, инчунун,*
*Инсон юрагида аламлар қат-қат.*
*Фақат бир таскин бор, барчаси учун*
*Афсус чека билсанг шу ҳам бир давлат.*

— сатрлари шоир юрагидан чиққан нидодир. Улар умр бўйи халқ дарди, алами, армонини куйладилар. Уларнинг ҳар бир шеъридан ҳар қандай саволга жавоб топиш мумкин (Ҳанифа опа ўзига хос соҳир ва мулойим, шу билан бирга дардли оҳангда шеър ўқий бошлайди):

*Оллоҳим кимгадир берди сийму зар,*
*Балки раҳм айлади йўқсил жонига.*
*Ва лекин тўймагин дея беш баттар.*
*Нафсни қўшиб қўйди ёнига.*

*Оллоҳим кимгадир берди мансабни,*
*Амал пояларин қилди мустаҳкам.*
*Ва лекин нариги тарафдан қурди,*
*Қайтиб тушадиган зиналарин ҳам.*

*Оллоҳим кимгадир берди истеъдод,*
*Майли таратгин деб гўзал куйларни.*
*Ва лекин бир умр чеккин деб фарёд,*
*Унга ҳамроҳ қилди ҳасадгўйларни.*

***— Муштарийларимизга тилакларингиз.***

— Илоҳим кириб келган янги йилимиз қутлуғ қадамли бўлсин. Ҳар бир хонадонга бахт, омад, ризқу рўз, тинчлигу хотиржамлик олиб келсин. Абдулла ака айтганларидай:

*Янги йил ҳам келаётир,*
*Дўстларим, бугун.*
*Янги-янги бахт тилаймиз*
*бир-биримизга.*
*Янги зафар, янги омад, янги байт учун*
*Янги-янги аҳд тилаймиз*
*бир-биримизга.*
*Ҳамма нарса янги-янги бўлсин, майлига,*
*Қутлуғ бўлсин гўдакларнинг янги қадами.*
*Ўша янги қадам билан ўссин, майлига,*
*Шу умидбахш асримизнинг янги одами.*
*Ҳамма нарса янги бўлсин, дўстларим, фақат*
*Чеҳрамиздан аримасин ҳаётнинг ранги.*
*Ҳамма нарса янги бўлсин, дўстларим, фақат*
*Ғам бўлмасин, эски ғамлар бўлмасин янги!..*

**Ҳанифа опа билан қанча узоқ суҳбатлашсангиз ҳам у кишининг дилидаги гаплари тугамайди, сиз эса эшитиб чарчамайсиз. Опанинг гурунглари туганмас хазинага ўхшайди. Бунинг устига ҳар бир саволга халқнинг севимли шоири, турмуш ўртоғининг шеърлари билан жавоб беради. Уларнинг бирон сатри тугул битта сўзини ҳам ёддан чиқармайди. Ҳанифа опа билан суҳбатлашар эканман, шоир хотираларини излаб келиб, шоирани топганимга ишонч ҳосил қилдим. Унга шеър ёзмайсизми, дея савол берсам, йўқ, Абдулла Орипов олдида мен шеър ёзсам уят бўларди дейди-ю, гоҳида баъзи саволларимга жавоб сифатида ўз шеърларини ўқий бошлардики, унинг шеърларидаги маъно ва жозидаборликни кўриб, Абдулла Орипов Ҳанифа опани шоир қилдими ёки аксинчами, деган фикр хаёлимдан ўтади... Бехосдан бир ҳикматли сўзни эслайман ва саволимга жавоб топгандай бўламан: “Ҳар бир буюк инсон ортида буюк аёл туради!” Ҳанифа опа бунинг яққол тимсолидир!**

**“Adolat” мухбири Саодат МАТЁҚУБ қизи суҳбатлашди.**

ADOLAT SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

**Бош муҳаррир: Ислом ҲАМРОЕВ**

**Таҳрир ҳайъати:**
Баҳром АБДУҲАЛИМОВ
Наримон УМАРОВ
Муҳаммад АЛИ
Гавҳар АЛИМОВА
Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА
Қодир ЖЎРАЕВ
Тошпўлат МАТИБАЕВ
Талъат МУРОДОВ
Абдукамол РАҲМОНОВ
Умиджон СУЛАЙМОНОВ
Собир ТУРСУНОВ
Алишер ШОДМОНОВ
Шуҳрат ЯКУБОВ

**Бўлимлар:**
Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 71 288-46-54 (149);
Котибият — 71 288-42-14 (144);
Ахборот, ҳуқуқ ва хатлар бўлими — 71 288-42-12 (132);
Қабулхона — 71 288-42-12 (141) факс;
Реклама бўлими — 71 288-42-14 (132); 97 900-72-15

**Навбатчи муҳаррир — Камол Матёқубов**
**Навбатчи — Абдуғани Содиқов**

Таҳририят манзили: 100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани «Шарқ тонги» кўчаси, 23-уй.

**1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган**

info@adolatgzt.uz
adolatgz-95@mail.ru

ISSN 2091-5217

1 2 3 4 5 6

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми – 3 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г –1100

**НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100**

**Адади – 2175**
**Босишга топширилиш вақти – 21.00**
**Босишга топширилди – 21.00**
**Баҳоси келишилган нархда**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

**«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди.**
**Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.**